O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 3 май, № 84 (3883) Чоршанба

ПРЕЗИДЕНТ ПОКИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 май куни расмий ташриф билан Покистон Ислом Республикасига жўнаб кетди. Сафар олдидан давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Покистон Жанубий Осиёдаги иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий-техникавий салоҳиятга эга йирик мамлакатлардан бири, — деди Ислом Каримов. — У нафақат минтақавий, балки халқаро даражада ҳам юксак нуфузга эга. Покистон жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлашга қаратилган кўплаб муҳим халқаро масалаларда, жумладан, қўшни Афғонистонда барқарорликни қарор топтириш, унинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаси тикланишида фаол иштирок этиб келаётир.

2005 йил март ойида Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг юртимизга ташрифи чоғида, ҳамкорлигимиз ривожига оид кўплаб муҳим келишувларга эришилиб, ўзаро муносабатларимиздаги ишонч руҳи яна бир бор мустаҳкамланди. Покистонга бу галги ташриф бу борадаги хайрли ишларнинг узвий давомидир. Ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, биргаликда ҳозирги замон таҳдидларини бартараф этиш мамлакатларимиз олдида турган умумий вазифалар сирасига киради.

Ташриф асносида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашишдаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилади. Марказий Осиё ҳам, Жанубий Осиё ҳам муҳим геосиёсий аҳамиятга эга минтақалардир.

Музокараларда қўшни Афғонистондаги тиклаш ишларида Ўзбекистон билан Покистоннинг биргаликдаги иштироки юзасидан ҳам келишиб олинади. Бинобарин, Афғонистонда тинчлик қарор топмас экан, минтақада хавфсизликни таъминлаш қийин.

Ўзбекистон — Покистон муносабатлари турли соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Бироқ, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи икки томонни ҳам қониқтирмайди, — деди Ислом Каримов. Покистон раҳбарияти билан учрашувларда шу масалалар ҳам кўриб чиқилади. Бу йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш томонлар манфаатларига тўла мос келади.

Иқтисодий тараққиётга эришишда транспорт ва коммуникация алоҳида ўрин тутади. Мазкур соҳада ҳамкорликни кенгайтириш эса муҳим вазифалардан. Покистоннинг Карочи ва Қосим денгиз портлари, шунингдек, бунёд этилаётган улкан Гвадар порти орқали биз Ҳинд океанига чиқиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.

Президентимизнинг ушбу расмий ташрифи Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлигини янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

(ЎзА).

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Исломобод, 2 май (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Бугун Президент Ислом Каримов Покистонга етиб келди.

Пойтахт Исломобод аэропорти ва кўчалари икки давлат байроқлари, ўзбек, урду ва инглиз тилларидаги шиорлар билан безатилган. Ислом Каримов муҳташам «Серена» меҳмонхонасига жойлашди. Икки кун давомида бу маскан Ўзбекистон раҳбарининг қароргоҳи бўлади.

Покистон Президентининг «Айвони Садр» қароргоҳида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Маросимдан кейин Ўзбекистон ва Покистон раҳбарларининг яккамаякка учрашуви бўлди. Томонлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати, мавжуд ижобий жараёнлар томонларнинг ҳамкорликни ривожлантиришга интилишлари муштарак эканлигидан далолат беришини таъкидлади.

Парвез Мушарраф бугунги мулоқот Ўзбекистон — Покистон алоқалари мунтазамлик тусини олаётганини кўрсатишини, ўтган йилнинг март ойида Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликка янги суръат бахш этганини қайд этди ва Исломобод музокаралари икки мамлакат манфаатларига мос келадиган янги келишувлар билан якунланишига ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Покистоннинг ҳамкорлиги янги суръат билан ривожланмоқда. Исломобод ўзининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини кенгайтиришда Ўзбекистонга алоҳида аҳамият қаратади. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг кўпгина сиёсий масалаларда ҳамфикрлиги яхши асос бўлмоқда. Масалан, Покистон Андижон воқеаларидан кейин БМТ Бош ассамблеясида Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини ёқлади. Покистонда мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги таклиф ва ташаббуслари ҳам қўллаб-қувватланади.

Бу омилларни инобатга олиб, икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, турли даражадаги мулоқотларни кенгайтириш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва ҳаётга фаол татбиқ этиш борасида мамлакатларимизнинг интилишлари бир хилда эканлигини таъкидламоқ лозим.

Президентларнинг суҳбати чоғида Афғонистондаги вазият ҳам муҳокама этилди. Бу мамлакатда хавфсизлик ва барқарорликнинг мустаҳкамланишидан икки томон ҳам бирдек манфаатдор. Ўзбекистон ва Покистон террор билан юзма-юз келган давлатлардир. Халқаро террорчилар икки мамлакатга ҳам узоқни кўзловчи мақсадлар билан ҳужумлар уюштирган. Айни пайтда бу иллат Трансафғон йўлагини ишга туширишга ва шу орқали транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантиришга ҳам жиддий тўсиқ бўлиб турибди.

Шунингдек, Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф турли халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Покистон Президентлари иштирокидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар 2005 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 10,7 фоиз ортганини, жорий йилнинг январь-февраль ойларига доир кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 карра ошганини таъкидладилар. Аммо Ўзбекистон ва Покистоннинг имкониятлари холисона баҳоланадиган бўлса, бу рақамлар икки томонни ҳам қониқтира олмаслиги қайд этилди.

Ўзбекистон Покистонга механик ускуналар, пахта ва пилла, органик кимёвий бирикмалар, кимёвий тола, парафин, ўғит каби маҳсулотларни етказиб беради. Покистондан бизга цитрус мевалар, дори-дармон, қандолат маҳсулотлари, пластмасса буюмлар каби товарлар келтирилади. Бироқ ўзаро савдодаги маҳсулотлар рўйхати анчайин катта бўлишига қарамай, улар акс эттирадиган молиявий қиймат салмоғи ҳали талаб даражасида эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда, томонлар қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, жумладан, улар учун виза бериш тартибини енгиллаштириш, мунтазам равишда бизнес-форумлар ва кооперацион биржалар ташкил этиб бориш, ҳисоб-китоб ишларини соддалаштириш учун банклараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртасида ишбилармон доираларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, палаталараро ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш борасида келишувга эришилганини юқори баҳоладилар.

Музокарада жорий йилнинг февралида Покистон Давлат савдо корпорацияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида илгари сурилган таклифларни ҳаётга жорий этишнинг бориши муҳокама қилинди. Маълумки, ўшанда Ўзбекистондан Покистонга пахта толаси, ғалла ва бошқа турдаги маҳсулотларни етказиб бериш масалалари юзасидан фикр алмашилган, биргаликда қатор тижорий ва сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилган эди.

Шу билан бирга, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон ҳукуматлараро комиссиясининг 2005 йил декабрда Тошкентда бўлган мажлисида кўтарилган масалалар юзасидан муайян қарорлар қабул қилинди.

Покистон Марказий Осиё энергетика захираларига катта қизиқиш билан қарайди. Мулоқот чоғида нефть-газ соҳасидаги ҳамкорлик мавзуи кун тартибидаги асосий масалалардан бўлди.

Музокарада Ўзбекистон ва Покистон халқларининг маданий яқинлигини инобатга олган ҳолда, академик доиралар, маориф ва олий таълим муассасалари, сайёҳлик компаниялари, шунингдек, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари каби соҳалар вакиллари ўртасидаги алоқларни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Покистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараси ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига ташрифи якунларига доир Қўшма баёнот имзоланди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни кучга киритиш учун ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протокол, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Усимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида ҳукуматлараро англашув меморандуми, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Покистон Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик вазирлиги ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси билан Покистон Даромадлар бош бошқармаси ўртасида ташқи савдо божхона статистикаси соҳасида ўзаро услуб ва ахборот алмашишда ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ўртасида Қўшма тадбиркорлар кенгашини тузиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Покистон Миллий банки ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хабиб банк лимитед ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Матбуот анжуманида музокаралар самарали кечгани, мулоқотлар чоғида икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилгани таъкидланди. Муҳокама этилган барча масалаларда томонларнинг фикри бир жойдан чиққани, Ўзбекистон ва Покистоннинг кўплаб халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди.

Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

СУРАТДА: расмий ташриф пайтидан лавҳа.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Қашқадарё вилоятида "Умид ниҳоллари — 2006" республика спорт мусобақалари ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналарига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда

БАХТ НАФАСИН УФУРАР НАСАФ

Мустақил Ўзбекистоннинг умид ниҳоллари

Шаҳарнинг энг кўркам ва гавжум жойларида, янгитдан барпо этилган муҳташам иншоотлар пештоқида, равон йўллар бўйида ана шундай сатрларга тез-тез кўзингиз тушади. Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримовнинг жасорати ва қатъияти туфайли бундан ўн беш йил илгари Ватанимиз мустақиллликка эришди. Истиқлол бизга умид ниҳоллари — буюк келажагимиз давомчилари бўлган фарзандларимизни маънан ва жисмонан баркамол авлод этиб вояга етказишдек саодатни насиб этди.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистонда соғлом авлод тарбияси устувор вазифа этиб белгиланди. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, мамлакатимиз таълим тизимининг узлуксизлиги принципига таянган ҳолда, мактаб ўқувчилари учун "Умид ниҳоллари", касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун "Баркамол авлод", олий ўқув юртлари талабалари учун "Универсиада" спорт мусобақаларидан иборат уч босқичли оммавий спорт тизими ишлаб чиқилди ва амалда кенг татбиқ этилмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад — жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар наслни тарбиялашдир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади".

Қарши – спорт байрамига шай

Шаҳарда "Умид ниҳоллари" республика спорт мусобақаларига катта тадорик кўрилди. Буни, аввало, амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари мисолида яққол кўриш мумкин. Жумладан, 16 минг томошабинга мўлжалланган марказий стадион барпо этилди. Янги иншоотда замонавий техник жиҳозлар ва ускуналар ўрнатилди, ичимлик суви, энергия таъминоти йўлга қўйилди, стадион атрофи ободонлаштирилди. Бу ерда нафақат "Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш" акциядорлик жамияти, Қарши ўрмон хўжалиги каби ташкилотлар, айни чоғда Тошкент шаҳри, Хоразм, Бухоро вилоятлари, жумладан, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясига қарашли қурилиш ташкилотлари мутахассислари, "Ўзбекэнерго" компанияси монтажчилари, "Бухорогазсаноатқурилиш" ва Урганчдаги "Жанубгазқурилиш" акциядорлик жамиятлари қурувчилари астойдил меҳнат қилдилар. Ободонлаштириш ишларида "Қаршиқўқаламзорлаштириш" акциядорлик жамияти ишчиларининг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди.

Янги стадион юртимиздаги улкан спорт мажмуалари орасида ўзининг замонавий андозаларга тўла жавоб бериши билан ажралиб туради.

Шунингдек, Олимпия захиралари спорт коллежининг 600 ўринли спорт ўйинлари манежи, "Насаф" стадиони ва унинг бассейни каби янги қурилган, таъмирланган, реконструкция қилинган кўплаб спорт мажмуалари ҳам "Умид ниҳоллари — 2006" объектлари қаторига киради.

Спорт мусобақаларининг алоҳида турлари бўйича беллашувлар шаҳарнинг 16 та спорт иншоотида — стадионлар, сув ҳавзалари ва спорт мажмуаларида ўтказилади. Мезбон ташкилотлар сафида Қарши Давлат университети, Қарши муҳандислик ва ирригация институти, санъат, иқтисодиёт, политехника, педагогика коллежлари, "Нуристон" академик лицейи ва бошқа таълим масканлари бор.

— Коллежимиз спорт залида стол тенниси бўйича мусобақалар бўлиб ўтади, — дейди Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори Файрат Убайдуллаев. — Шу муносабат билан спорт залини тегишли андозалар асосида қайта жиҳозладик. Айни пайтда бу ерга вилоятлардан 56 нафар спортчи йигит-қиз ва мураббийлар келишини кутяпмиз.

Коллеж биносида иштирокчиларнинг ювиниб-кийиниши, дам олиши, тиббий хизматдан фойдаланиши учун барча қулайликлар муҳайё. Бу ерда ўтадиган беллашувлар натижалари ҳақидаги маълумотларни тўғридан-тўғри мусобақалар матбуот марказига юбориб туриш тизими йўлга қўйилган.

Иш бошлаганига энди бир йил бўлган ушбу коллежга келганимизда хушхабарнинг устидан чиқдик — коллежнинг 1-курс талабаси Ч.Гатина Ўзбекистон хотин-қизларининг жамият тараққиётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш, Интернет ва компьютернинг кенг имкониятларини аёллар ўртасида оммалаштириш мақсадида ўтказилган "Интернет фестивали"да биринчи ўринни қўлга киритибди.

Бўлажак тадбирнинг ўзига хос жиҳатлари

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ранг-баранг оммавий тадбирларни ташкил этиш борасида катта тажриба тўпланди. Ҳар бир тадбирни олдингисига нисбатан ҳам мазмунли ва мароқли, имкон қадар тўкис, мукаммал даражада ўтказиш йўлида янгидан-янги қадамлар қўйилмоқда.

Бу галги мусобақалар дастуридан футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи каби 12 хил спорт ўйинлари жой олган. Қаршида ўтадиган мусобақаларга доир муҳим янгиликлардан яна бири шу бўлдики, юқорида санаб ўтилган спорт турлари бўйича бир-бири билан беллашадиган рақиб жамоалар илк бор қурра ташлаш йўли орқали аниқланди. Бу, албатта, мусобақалар муросасиз курашларга бой, айни чоғда халол ва адолатли ўтишини таъминлайди.

Беллашувларда адолат ва ҳақиқатнинг устуворлиги, ўз галида, кичик олимпиада сифатида эътироф этилаётган мазкур мусобақа иштирокчиларига — навқирон йигит-қизларимизга чексиз куч, илҳом ва шижоат бағишлаши, табиий. Зеро, олти аср муқаддам буюк бобомиз Амир Темур ҳазратлари лутф этганларидек: куч — адолатдадир!

Қаршида ўтадиган мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 3 мингдан зиёд иштирокчи келиши кутилмоқда. Уларнинг 2 минг нафардан ортиғи ўқувчи-ёшлар бўлса, қарийб 240 нафари мураббийлар, 196 нафари эса спорт турлари бўйича ҳакамлардир. Бундан ташқари, ўнлаб тиббиёт ходимлари, тартиб посбонлари, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари масъуллари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, бошқа тегишли соҳалар мутахассислари мусобақаларнинг мароқли ва бехатар ўтишини таъминлаш йўлида хизмат қилади.

Йиғирмадан ортиқ ташкилот ва муассасага қарашли бино ҳамда ётоқхоналар меҳмонларни жойлаштиришга ҳозирланди. "Қашқадарё соҳили", "Геолог" санаторийлари, "Қарши" меҳмонхонаси ҳам тадбир қатнашчиларини кутиб олишга тайёр. Меҳмонларнинг шаҳар бўйлаб ҳаракатланиши, овқатланиши, кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратилган. Масалан, тадбир иштирокчиларини кутиб олиш, меҳмонхоналарга, спорт мусобақалари ўтадиган жойларга элтиш учун 50 та автобус тайёрлаб қўйилди.

Қаршида ўтадиган мусобақаларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга кўмаклашиш борасида ҳам катта ишлар қилинди. "Умид ниҳоллари — 2006" тадбирини ўтказиш бўйича бош штаб ҳузурида матбуот маркази фаолияти йўлга қўйилган.

Мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлардан жамоатчилигимиз ҳамда дунё аҳлини тезкор ва изчил хабардор этиш мақсадида Интернетда алоҳида веб-саҳифа (www.umidnihollari.uz) яратилган. У ўзбек, рус, инглиз тилларидаги маълумотлар билан мунтазам янгилаб турилибди. Бугун ундаги маълумотларни мамлакатимиздан ташқарида ҳам минглаб одамлар кузатиб бормоқда.

Спорт мусобақалари оммавий ахборот воситаларининг 200 дан ортиқ мухбири томонидан ёритиб борилади. Уларнинг ишини осонлаштириш мақсадида матбуот марказидаги компьютерлар Интернет тармоғига уланди, телефон, факс алоқалари ўрнатилди. Мусобақа кунлари маълумотларни беш тилга таржима қилишга ихтисослашган малакали таржимонлар ҳам журналистларнинг хизматида бўлади.

Кўкгумбаз жилоси

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари бутун дунёда эътироф қозонмоқда. Кўҳна обидалар таъмирланиб, янги ёдгорлик мажмуалари бунёд этилаётгани, буюк алломалар, Ватанимизнинг фидойи, мард ўғлонлари хотираси эъзозланаётгани, неча минг йиллик нодир маънавий меросимиз тикланаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Айниқса, "Умид ниҳоллари — 2006" мусобақалари Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини муносиб нишонлаш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаётган дамларга тўғри келганида теран маъно бор. Чунки юртимиз тарихи ва истиқболига тааллуқли икки тадбир ўзаро уйғунлашиб, бир-бирини янада бойитмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг
ҚАРОРИ

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 31-моддасининг иккинчи қисмини шарҳлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринбосари Б.Мирбобоев, судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига амал қилган ҳолда, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 31-моддасининг иккинчи қисмини шарҳлаш ҳақида"ги ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Масала фуқаро К.Музаффаровнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимованинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд маърузачи судья С.Ҳакимованинг ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмитасининг раиси М.Раджабова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг директори А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра бошлиғи Х.Одилқориев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари К.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитаси раисининг ўринбосари С.Жабборовнинг фикрларини эшитиб, иш бўйича мавжуд материалларни ўрганиб чиқиб қуйидагиларни

аниқлади:

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 31-моддасининг иккинчи қисмида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонунларнинг нормаларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шарҳ беради", деб белгиланган.

Ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисмига асосан "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлар ҳисобланади".

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлар қаторига киритилганлиги ушбу Қонун 31-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган "қонунлар" тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари кирадими ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига ҳам шарҳ берадими, деган саволлар бўйича аниқлик киритиш ва бу масала юзасидан шарҳ бериш заруратини келтириб чиқаради.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кўрсатиб ўтилган нормасига шарҳ беришда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қуйидагиларга асосланади.

1.Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат".

2.Қонун — бу олий давлат вакиллик органи томонидан Конституцияда белгиланган тартибга риоя қилинган ҳолда ёки референдум йўли билан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

3.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 84-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ "Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади".

4.Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига бир қатор масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш, шу жумладан ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш кириши белгиланган.

5.Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатларига бир қатор масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш, шу жумладан ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш кириши белгиланган.

6."Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-моддасининг биринчи қисмига асосан "Қонунчилик палатаси қонунлар қабул қилиниши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади". Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 85-моддаси тўртинчи қисмининг 7-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери "Қонунчилик палатаси қарорларини имзолайди".

7."Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 15-моддасининг биринчи қисмига асосан "Сенат қонунлар қабул қилиниши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади". Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 86-моддаси бешинчи қисмининг 7-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси "Сенат қарорларини имзолайди".

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг кўрсатиб ўтилган нормаларининг таҳлили, шунингдек иш бўйича бошқа материаллар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган уларнинг қабул қилиниши ва юридик кучга эга бўлиши тартибига кўра бир-биридан фарқ қилади, деб ҳисоблайди. Ушбу фарқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фақатгина Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинган қонунларга шарҳ беради, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 31-моддасининг иккинчи қисмидаги "қонунлар" тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари кирмайди, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига шарҳ бермайди, деган хулоса қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Баён қилинганларга асосланиб ва "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1, 25, 26, 27-моддаларига амал қилган ҳолда Конституциявий суд

қарор қилди:

1."Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 31-моддасининг иккинчи қисмига ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисми билан ўзаро боғлиқликда қуйидаги шарҳ берилсин:

— "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 31-моддасининг иккинчи қисмидаги "қонунлар" тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари кирмайди;

— Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига шарҳ бермайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ушбу қарори "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Тошкент шаҳри, 2006 йил 2 май.



БАХТ НАФАСИН УФУРАР НАСАФ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Рустам Қаюмовнинг айтишича, ўтган даврда шаҳарнинг қутлуғ тўйига тадорик доирасида қарийб 40 та объектда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бунда ушбу заминдаги тарихий обидаларни таъмирлаш ва тиклаш, ободонлаштириш борасида қилинган кенг кўламли ишлар алоҳида ўрин тутади.

Бу бежиз эмас. Зотан, ўзининг олис тарихида Нахшаб, Насаф каби номлар билан юритилган Қарши шаҳри нафақат қадимий диёримиз, балки жаҳон маданиятининг кўҳна ўчоқларидандир. Бу ердан талайгина олиму алломалар, донишманду мутафаккирлар етишиб чиқиб, дунё миқёсида шуҳрат қозонган. Шаҳардаги муҳташам мадраса, масжид, хонақоҳ, сардоба ва карвонсаройлар улуғ аждодларимиз бунёдкорлигининг ёрқин қирраларини ўзида мужассам этган.

Шу боис Президентимиз ташаббуси билан бошланган Қарши шаҳридаги маънавий, маданий, исломий қадриятларимиз — тарихий обидаларни қайта тиклаш, янгидан бунёд этиш ишларига улкан масъулият билан ёндашилмоқда.

Айни пайтда шаҳар ўтмиш маданияти ва салоҳиятидан гувоҳлик берувчи ўнлаб меъморий обидалардан бири — Кўкгумбаз жоме масжидида таъмирлаш ишлари авжида. Илгари атиги ярим гектарлик жойда, шаҳар маҳалласи ичидаги торгина майдонда қисилиб қолган ушбу тарихий маскан атрофида 4,5 гектарлик яшил майдон ташкил этилди. Масжид девори мустаҳкамланди, ҳовли атрофида қарийб юз метр узунликда миллий услубдаги айвон қурилди. Айвон устунлари ёғоч-ўймакор усталарнинг қўли гуллигидан дарак бериб турибди. Улкан гумбазни таъмирлаш учун махсус устахонада тайёрланган мовий кошинлардан фойдаланилди. Масжиднинг асосий биносига кириш жойида шарқона меъморчилик андозаларига мутаносиб равишда гумбазли дарвоза тикланди. Бу ерда бўлган киши ушбу янги гумбаз Кўкгумбазнинг жилосига жило қўшганини дарҳол илғаб олади.

— Мустақиллик йилларида қадимий обидаларимизни тиклаш ва таъмирлаш, асрабавайлаш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишига айлангани жуда хайрлидир, — дейди Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти совриндори Матлабжон уста Маҳмудов. — Оиламиз кўҳна ёдгорликларни таъмирловчи усталар сулоласи саналади. Тўрт ўғлим ҳам шу савобли касбнинг сир-синоатидан яхши хабардор. Бугун мана шундай эзгу ишларда фаол иштирок этаётганимиздан хурсандмиз. Меҳнатимиз муносиб эътибор топаётгани эса бизга янги куч ва рағбат бағишлайди.

Кўкгумбазда, шунингдек, шаҳарнинг Хўжа Убайд Жарроҳ ва Одина масжидлари, Сардоба мажмуаси каби кўҳна обидаларида таъмир ишлари билан шуғулланаётган уста ва устазодаларнинг тилаклари қарийб бир хил: энг муҳими, дейди улар, бу қадимий обидаларнинг кўрку тароватидан бугунги замондошларимизнинг, шаҳримиз меҳмонларининг кўзи қувнаб, дили яйрасин. Ёш авлод олис аждодларимиз қандай буюк, қанчалар бунёдкор ва нозиктаъб инсонлар бўлганини имкон қадар теран ҳис этсинлар. Шавкатли бобокалонларимиз ўз ворисларига нечоғли улуғвор ишларни мерос қолдирганликларини англаб, бундан фахру ғурур туюб яшайлик.

Аэропортдан – вокзалгача...

Аэропорт — шаҳарнинг дарвозаси, дейдилар. Бугун



Қаршидаги ана шу маскан ҳам замонавий талаблар асосида реконструкция қилинди. Айни пайтда теварак-атрофни ободонлаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шаҳарнинг Мустақиллик майдони ўзгача чирой касб этди.

Бу ердаги асфальт-бетонлар ўрнини кўм-кўк аллея эгаллади. Атрофдаги иморатлар, жумладан, Офицерлар уйи, "Тонг" меҳмонхонаси таъмирдан чиқарилди. Марказий бозор мажмуасининг қурилиши янги лойиҳа асосида амалга оширилди.

Шаҳар марказидаги Болалар дам олиш боғида ҳам кенг кўламли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Кичкинтойларнинг севимли масканига айланган ушбу ҳудудда янги аттракционлар ўрнатилди. Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғи реконструкция қилинди. Боғ тўридаги "Кўллар мажмуаси"да замонавий талаблар даражасида қурилиш ишлари амалга оширилди. Йўлакларга табиий қум, брусчатка ётқизилди, ёритгичлар ўрнатилди. Боғ саҳнида 3 минг ўринли амфитеатр биноси бунёд этилмоқда.

Шаҳарнинг Насаф, Ўзбекистон ва Амир Темур шоҳкўчаларини кенгайтириш ва ободонлаштириш жараёнлари ҳозир ҳам авжида. Қарши темир йўл вокзали янада кўркамлик ва шинамлик касб этди. Темирйўлчилар шаҳарчаси, «Локомотив» спорт мажмуасида катта ҳажмли қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етмоқда.

Ислоҳот – инсон учун

Қаршида амалга оширилаётган барча янгиланиш ва ўзгаришларнинг замирида Юртбошимизнинг ана шу ўгитлари ўз мужассамини топган. Шаҳарда янги иш ўринлари яратиш дастури асосида ўтган даврда белгиланган 636 янги иш ўрнига 2013 иш ўрни яратилган, яъни ушбу кўрсаткич режага нисбатан уч баравар кўпдир.

Мулкдорлар сафини кенгайтириш, айниқса, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш масалаларига ислоҳотларнинг бош йўналиши, мазмун-мақсади сифатида қаралмоқда. Жорий йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида шаҳарда 90 та кичик корхона ва микрофирма ташкил этилди. Уларга банклар томонидан 2105 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 3762 тага етди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 фоиз кўпдир.

Коммунал соҳадаги ислоҳотлар доирасида 3,2 километрлик газ ва 2,7 километрлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда аҳолини газ билан таъминлаш 98,4 фоизни, сув билан таъминлаш 93,7 фоизни ташкил этади.

Шаҳар аҳолисига 13 та даволаш-профилактика муассасаси тиббий хизмат кўрсатмоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ушбу соҳа ривожига қаратилган алоҳида чора-тадбирлар 1 минг 200 нафардан ортиқ шифокорнинг касб фаолиятида, турмуш шароитида, демакки, шаҳар аҳолиси соғлиги кўрсаткичларининг изчил яхшиланиб боришида муҳим омил бўлмоқда.

Йилнинг биринчи чорагида шаҳардаги 44 мактабдан тўққизтасида реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мактабларда ташкил этилган спорт тўгаракларига болаларнинг 38 фоизи жалб этилган. Бундан ташқари, қарийб 20 хил фан ва ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик тўгараклари ишлаб турибди. Таълим масканларида ўқув жараёнида педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ўз натижаларини бермоқда. Мисол учун, Республика фан олимпиадаси якунлари бўйича Қарши шаҳар халқ таълими бўлими иккинчи ўринни эгаллади.

Қаршиликларнинг спортга муносабатида ҳам катта ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Яқинда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг дастлабки босқичида шаҳар мактаблари биринчи ўринни эгаллади. Уларнинг ўғил ва қиз болалар жамоалари мазкур мусобақаларнинг республика босқичида баскетбол бўйича беллашувларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мухтасар айтганда, қаршиликлар Юртбошимизнинг:

«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган пурҳикмат даъватини ўз ҳаётининг мазмуни деб билган ҳолда, саноқли кунлардан кейин бошланадиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини кўтаринки руҳда кутиб олмоқдалар.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Қарши — Тошкент.

Муҳаммад АМИН олган суратлар.

Қонун ижодкорлари талабалар ҳузурида

Мукаммал қонун ҳужжатлари ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим шарти ҳамда ҳуқуқий давлат қарор топишининг зарур белгиси ҳисобланади.

Парламент ҳаёти

Қонунчиликда ички уйғунликнинг мавжудлиги, қонунларга оғишмай риоя этилишини таъминловчи таъсирчан механизмлар яратилганлиги ҳар кимда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш учун муҳимдир.

Ўтган ҳафта Кўқон Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган семинар ана шу мавзуга бағишланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан Кўқон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда институт профессор-ўқитувчилари, талабалар, вилоят ва шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Семинарда қўмита аъзолари икки палатали парламент тизими шароитида қонунчилик жараёнини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ижобий ишлар, бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳақида, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишнинг аҳамияти хусусида тўхталдилар.

Ўз мухбиримиз.

Дарсликларнинг электрон вариантлари яратилади

І-Республика тиббиёт коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида чоп этилган тиббиёт фанига доир ўқув адабиётларининг муаллифлари ҳамда Тошкент шаҳри тиббиёт муассасалари педагог ва ўқитувчилари ўртасида ижодий мулоқот ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим бўйича ўқув-услуб идораси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августидаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида»ги Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича бугунги кунгача 93 номдаги ўқув адабиётлари нашр қилинди. Уларни нашр этишда замон талабларига жавоб бериши эътиборга олинди, албатта.

Ижодий мулоқот давомида сўзга чиққанлар тиббиёт фанига доир адабиётлар муаллифлари ҳамда тиббиёт муассасалари ўқитувчилари ўртасида мана шундай давра суҳбатлари ўтказиб туриш фойдали эканлигини таъкидлашди.

Тадбир сўнгида келгусида тайёрланадиган ўқув адабиётларининг давлат таълим стандартларига жавоб берадиган, илмий жиҳатдан асосланган, фандаги янгиликларни ўзида мужассамлаштирадиган бўлиши лозимлигига эътибор қаратилди. Шунингдек, ўқув дарсликларининг электрон вариантларини яратишга келишилди.

Юлдуз РИЗАЕВА.

Журналист суриштируви

Юртбошимиз ўтган ҳафта имзо чеккан "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор жамиятимиз иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Мазкур қарорда Қўмита раҳбариятининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар қониқарсиз, деб топилди. Зотан, корхона ва иншоотларни хусусийлаштириш жараёнида йўл қўйилаётган хато-камчиликлар турли норозиликларга, ортиқча ташвишларга сабабчи бўлаётганди. Қуйидаги ҳангомалар, адашмасак, фикримизнинг ёрқин мисоли бўла олади.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МУЛКДОРНИ

Аввал-бошда улар ўзаро аҳил-иноқ эдилар. Битта жамоада, муштарак мақсад йўлида баҳамжиҳат ишлаётгандилар. Энди эса, бамисоли ораларидан қора мушук ўтгандай, иккига бўлиниб олишган. Таъбир жоиз бўлса, бир-бирларини кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ ғанимларга айланишган. Бу нохушлик сабабини пайариқлик Суюн Исанқулов таҳририятимизга йўллаган арзномасида қуйидагича изоҳлайди:

"Мен Челак шаҳридаги сут-ёғ заводида 1965 йилдан 1999 йилгача турли лавозимларда ишладим. Корхонани ҳашар йўли билан кенгайтиришга бош-қош бўлдим. Натижада омборхона, ошхона, ювиниш, дам олиш ва кийим алмаштириш хоналари қад ростлади. Буғ қозони, электр токи етказиб берадиган махсус қурилма, флягаларни ювадиган ускуна ўрнатилди. Маҳсулот тури олти баравар кўпайиб, ўн икки хилга етди. Кейинчалик акциядорлик жамияти мақомига эришган заводимиз "Браво-сут" Ўзбекистон-Литва қўшма корхонаси филиалига айлантирилди. 1996 йили эса фаолияти тугатилиб, биноси сотиладиган бўлди. Шунга кўра, мен ҳам уни ўз номимга хусусийлаштириб олишга аҳд қилдим. Аммо қўшма корхона раҳбарияти мурожаатимга жавоб бермай, лоақал бошқа ҳиссадорларни огоҳлантирмай, иншоотни сафимизга яқинда қўшилган Шавкат Омонбоевга арзон-гаровга сотиб юборди. Мен бу ҳуфёна савдодан орадан тўрт йил ўтгач огоҳ топдим..."

Суриштирув асноси шикоятчи эътирозларида жон борлигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, биноларни хусусийлаштириш ҳужжатларида тепа қисмида ошхона, дам олиш хонаси ва бир нечта ёрдамчи хона жойлашган қўш қаватли иморат бир қаватли қилиб кўрсатилган. Бошқа бир ҳужжатда корхона томлари ёғоч билан ёпилгани таъкидланган. Аслида томларга узунлиги 6, эни 1,2 метрлик қирқта темир-бетон плита ишлатилган. Ёки айтайлик, рўйхатга тиркалган бинолар 1938-1950 йиллар оралиғида қурилгани қайд этилган. Ёнатрофда азалдан яшаб келаётган Тозагул Жабборова, Ҳайдар Қобилов, Ғани Тожибоев, Толибжон Турсунов, Исақул Ўроқов сингари кексаларнинг ёзма шоҳидликларига қараганда, уларнинг кўҳна қисми ўтган асрнинг иккинчи ярми бошида, қолганлари 70-йиллар ўрталарида тикланган.

Энг қизиғи, корхона хусусийлаштирилишидан олдин акциядорлик жамияти бўлган. Демак, кўпчиликнинг мулки ҳисобланган. Шундай эса-да, қўшма корхона раҳбарияти акциядорлар розилигини олмай туриб, заводни Шавкат Омонбоевга сотган. У эса салкам беш йилдан буён бу ерда бирон-бир ўзгариш қилмаган. Корхона, туя гўшти егандек, тақа-тақ тўхтаганича турибди.

Ҳа, айтганча, Шавкат Омонбоев турмуш ўртоғига ўзи номидан иш юритиши учун ишончнома ёзиб берган экан. Шу боис Муқаддас опа можарога оид барча масалалар бўйича фақат ўзи билан гаплашишимизни талаб қилди. Корхонадан бугунга қадар нега фойдаланишмагани, янги иш ўринлари яратишмагани хусусидаги саволларимизга жавобан шундай деди:

— Завод - бизнинг шахсий мулкимиз. Уни сотиб олаётганимизда зиммамизга ҳеч қандай мажбурият юклатилмаган. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйолмаганимизнинг ҳам ўзига яраша сабаби бор: мен автоҳалокатга учрадим, хўжайиним қон босими хасталигига йўликди. Ҳозир саломатлигимиз бироз яхшиланди. Заводни таъмирлаш ва қайта қуришни бошлаб юбордик.

— Суюн ака ҳам кўчмас мулк соҳиби бўлиш илинжида ариза бергани рост, — дея суҳбатга қўшилади Шавкат Омонбоев. — Лекин "Браво-сут"нинг ушбу масалага бағишланган йиғилишига келмади. Энди турли баҳоналарни рўкач қилиб, бизга халақит бераяпти. Эгаллаб олган хоналарини бўшатмагач, уни иншоотдан мажбуран чиқаришни сўраб, судга мурожаат этдим.

Хўш, кейин-чи?..

Суд бошланиши арафасида Суюн Исанқулов қарши даъво-ариза битди. Бинолар арзон нархланганини, уларни сотишга бағишланган умумий йиғилишдан хабари бўлмаганини баён этиб, "Браво-сут" қўшма корхонаси ва Шавкат Омонбоев ўртасида 2001 йил 19 июнда тузилган кўчмас мулк олди-сотди шартномасини бекор қилиш талабини қўйди. Бироқ фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг судьяси О.Назаров талабгорлар аризалари "Браво-сут"нинг 2001 йил 16 апрелдаги умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, корхона Шавкат Омонбоевга сотилган, хусусийлаштириш ҳужжатлари қонуний расмийлаштирилган деган тўхтамга келди. Айни чоғда, Суюн Исанқулов уч йиллик даъво муддатини ўтказиб юборганини, дивиденд ундириш борасида, қўшма корхона низомидан келиб чиқиб, алоҳида тартибда мурожаат қилиши зарурлигини уқтирди. Пировардида унинг важларини асоссиз ҳисоблаб, Шавкат Омонбоев даъвосини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Ишни Суюн Исанқуловнинг шикояти асосида, лекин унинг иштирокисиз кўрган апелляция судлов ҳайъати қуйи суд хулосасини ўзгаришсиз қолдирди.

Ҳолбуки, "Браво-сут"нинг ишончли вакили Ҳамиджон Жабборов судга Суюн Исанқуловнинг аризаси ва шикоятига вақтида жавоб қайтарилганини, у умумий йиғилишга чақирилганини исботловчи ҳужжат тақдим этмаганди. 2001 йил 16 апрелдаги тадбир эса, судьялар бот-бот урғу беришганидек, жамоанинг умумий йиғилиши эмас, балки қўшма корхона бошқармаси аъзоларининг мажлиси эди. Мажлис баённомасида заводни сотиб олишга талабнома бериш учун муқаддам 15 апрелгача муддат белгиланган, шу вақт ичида С.Исанқулов ва Ш.Омонбоевдан ариза тушгани таъкидланса-да, уларнинг илтимосномалари

ЮРТИМИЗНИ ТУРИЗМ ЎЛКАСИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

Мамлакатимиз Президенти 2005 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида, жумладан бешинчи устувор вазифа — экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта заҳираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат эканлигини таъкидлади. Бу вазифа бевосита туризмни ривожлантириш масаласига ҳам тааллуқлидир.

Маълумки, 2003-2005 йилларда юртимизнинг деярли барча ҳудудларида жаҳон андозалари даражасидаги меҳмонхоналар қурилиб ишга туширилди. 50 га яқин санаторий ва курорт ҳамда соғломлаштириш масканлари қайта таъмирланиб, хорижий сайёҳлар ва мамлакатимиз фуқароларининг дам олишлари, соғлиқларини тиклашлари учун мослаштирилди. Шу билан бирга, туризм экспорти ҳажмини ошириш мақсадида меҳмонхона ва ресторанлар қурилишига чет эл сармоядорлари кенг жалб қилиниб, уларга солиқ, божхона тўловларида, кредит ресурсларидан фойдаланишда, янги технологияларни республикага олиб кириш ва бошқа фаолиятларда ҳам имтиёз ва кафолатлар яратилди.

Туризм экспорти бошқа хизмат ва товар экспортидан тубдан фарқ қилади. Яъни у чет эл давлатларидан саёҳат мақсадида чиққан кишилар учун яратилган туристик маҳсулотни уларнинг истеъмолига тақдим этилиши билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, туристик хизмат экспорти хорижий фуқароларнинг давлат чегарасини кесиб ўтиб, маълум муддат ичида истеъмол қилиши ва уларнинг яна ўз давлатларига қайтиб кетиши билан боғлиқ, хизматларни ўз ичига олади.

Табиийки, туризм тармоғидаги экспорт ҳажми республикага келиб-кетадиган чет эллик сайёҳлар сонига ҳамда уларга кўрсатиладиган хизмат турларининг кўламига боғлиқ.

Бу борада мамлакатимизда кўплаб ресурслар мавжуд. Мисол учун, республикамизда 4000 дан ортиқ меъморий ёдгорлик бўлиб, уларнинг кўпчилиги қайта таъмирланган. Туристлар эътиборига таклиф этилаётган обидаларнинг аксарияти XII-XX асрларга мансуб бўлса, уларнинг орасида IV-IX асрга оидлари ҳам учраб туради. Бухоро шимоли ва шимолий шарқидаги Сармиш, Нурота тоғ тизмалари, Сурхондарё вилоятидаги ибтидоий жамоа тузумига хос ёдгорликлар шунингдек, кўплаб қадимий шаҳарлар қолдиқларида олиб борилган археологик қазилма ишлари, табиий қўриқхоналардаги ноёб ҳайвонлар ҳар қандай сайёҳни бефарқ қолдирмайди.

Ҳукуматимиз томонидан ўтган даврда кўплаб диний-маданий зиёратгоҳларимиз тубдан таъмирланиб, буюк аждодларимизнинг тўйлари нишонланди. Ал-Бухорий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, имом ал-Мотуридий, ал-Фарғоний ва Бурҳониддин ал-Марғино-

Биз ва жаҳон

нийнинг таваллуд кунлари, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари, «Алпомиш» достонининг юбилей тадбирлари муносабати билан кўпгина ёдгорликларимиз янгича маҳобат касб этди. Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш мақсадида қўйилаётган хайрли қадамларимиз: «Универсиада» — «Баркамол авлод» мусобақалари ҳам хорижий сайёҳлар эътиборидан четда қолмаётир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, туризм тараққиёти учун фақат жозибадор масканларнинг мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Яъни, маҳаллий туристик инфратузилмани ҳам етарли ривожлантириш лозим. Бу борада «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Марказий Осиёдаги энг яхши авиаташувчига айланди; «Тошкент — Бухоро — Тошкент» темир йўли йўналишидаги хизмат даражаси сифат жиҳатдан жаҳон андозаларига мослаштирилди, «Тошкент — Самарқанд — Тошкент» йўналишида эса шинам, тезюрар поезд қатнови йўлга қўйилди. Амударё устидан темир йўл кўприги қуриб ишга туширилишининг ҳам туристик аҳамияти беқиёс.

Шу билан бирга, қабул қилинган дастурга кўра, инфратузилмани ривожлантириш мақсадида бошқа ишлар ҳам олиб борилмоқда. Самарқанд вилоятидан Сурхондарёгача бўлган темир йўл тармоғини электрлаштириш, «Қамчиқ» довони орқали Фарғона водийсига ўтувчи темир йўл қурилиши, Сурхондарёда замонавий меҳмонхоналарни ишга туширишга каби вазифалар ҳам белгиланган.

Айни чоғда, Ўзбекистонда туризм маҳсулотини халқаро ва ички сайёҳлик бозорида сотиш учун малакали мутахассис кадрларнинг ўрни беқиёс. Шу мақсадда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Халқаро туризм» факультети ташкил этилиб, унда туризм тармоғи учун малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Туризмни ривожлантиришда эътиборга олиниши лозим бўлган яна бир жиҳат шундаки, туристик имкониятлардан келгуси авлод ҳам манфаат кўришни ҳисобга олиб, тарихий бинолар атрофида қурилаётган ҳар бир янги бино қурилиш услуби, кўрку ҳамоли миллий меъморчилигимизга уйғунлашувини таъминлаш зарур.

Қисқаси, ҳукуматимиз амалга ошираётган чоратадбирлар туфайли Ўзбекистон йил сайин туризм ўлкасига айланмоқда. Бу, ўз навбатида, халқаро алоқаларни ривожлантириш, халқимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш имконини бермоқда. Ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши эса мамлакатимизга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳамда туристик хизмат экспортининг ўсишига хизмат қилади.

Ф. КОМИЛОВА,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Туризмда маркетинг ва сервис кафедраси мудири, профессор.

Тадбиркорлар ва инвесторлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти

«Давинком» ДИФ

"Toshkent elektr tarmoqlari" очиқ акциядорлик жамиятининг низом жамғармасидаги 48,4 фоиз ёки 984 609 дона давлат активидаги акция пакетининг таклиф нархи 14 795,58 млн. сўмлик ва "Andijon elektr tarmoqlari" очиқ акциядорлик жамиятининг низом жамғармасидаги 47,00 фоиз ёки 767 284 дона давлат активидаги акция пакетининг таклиф нархи 4 028,24 млн. сўмлик акцияларини савдога чиқариш кунидаги Марказий банкнинг курси бўйича АҚШ долларидаги эквивалентида «Тошкент» республика фонд биржасининг акцияларни эркин алмашадиган валюталарга сотиш майдонига чиқаришини маълум қилади.

«ДАВИНКОМ» ИФ ТОМОНИДАН АКЦИЯ ПАКЕТЛАРИ «ТОШКЕНТ» РФБ САВДОСИГА ЧИҚАРИЛАДИГАН ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

«Андижон электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти.
Манзил: Андижон шаҳри, Ҳайдарова кўчаси, 53-уй.
«Андижон электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятининг низом жамғармаси 8162,59 млн. сўм, бир дона акциянинг номинал қиймати — 5000 сўм.
«Андижон электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти Андижон вилояти ҳудудида электр энергиясини тақсимловчи ва сотувчи корхона бўлиб, туман электр тармоқлари орқали вилоятдаги истеъмолчиларга хизмат кўрсатади.
Электр энергиясини тақсимлаш жамият балансида бўлган 0,4 кВ, 6кВ, 10кВ ҳамда 35-110 кВ кучланишли электр тармоқлари орқали амалга оширилади.
Жамиятда, 2005 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 2038 нафар ишчи-ходим меҳнат қилиб келмоқда. Жамият асосий воситаларининг умумий қиймати 39078,17 млн. сўмни, соф фойдаси эса 1531,27 млн. сўмни ташкил этади.

«Тошкент электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти.
Манзил: Тошкент шаҳри, Муртозаев кўчаси, 42-уй.
«Тошкент электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятининг низом жамғармаси 20341,09 млн. сўм, бир дона акциянинг номинал қиймати — 10 000 сўм.
«Тошкент электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти Тошкент вилояти ҳудудида электр энергиясини тақсимловчи ва сотувчи корхона бўлиб, маъмурий-ҳудудий бўлиниш тамойилига кўра, шаклланган 19 та бўлинма — туман электр тармоқлари орқали вилоятдаги истеъмолчиларга хизмат кўрсатади.
Электр энергиясини тақсимлаш жамият балансида бўлган 0,4 кВ, 6кВ, 10кВ кучланишли электр тармоқлари орқали амалга оширилади.
Электр энергиясини сотиш ҳажми йилига тахминан 5500-6000 млн. кВт соатни ташкил этади.
2005 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, жамият асосий воситаларининг қиймати 39284946,0, минг сўмни, соф фойдаси 11657505,0 минг сўмни ташкил этади.

Давлат корхоналарининг акция пакетларини сотиб олинг ва ўз тадбиркорлик фаолиятингизни янада ривожлантиринг!

«Давинком» инвестиция фирмасининг қўшимча маълумотлар учун телефон рақамлари: 132-07-32, 133-38-69, 136-11-65, шунингдек, фирманинг www.davincom.uz сайти ҳамда davincom@davincom.uz электрон почтаси ёки қуйидаги манзил бўйича: Тошкент ш., «Бухоро» к., 10-уй.

и славянские обои

российский линолеум

производство ОАО «ЩекиноАзот» г. Тула

тел. 134-48-11, факс 134-49-58.

Ҳурматли юртдошлар!

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи

SAVDOGAR BANK **«САВДОГАР»** АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

сизларга Пластик карточка — замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади.

«Савдогарбанк» пластик карточкалари — бу:

- маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита;
- ҳар ойда йиллик 16 фоиз миқдорда даромад тўлаш;
- маблағни истаган вақтда республика бўйлаб ўрнатилган барча банкоматлар ва терминаллар орқали накд пулга айлантириш;
- карточка йўқолган тақдирда сиз пулингизни йўқотмайсиз.

Бундан ташқари «Савдогарбанк» маблағларингизни кўпайтиришингиз учун қуйидаги муддатли омонатларни таклиф қилади:

- *«Омад» омонати — 3 ой муддатга, йиллик 22 фоиз;*
- *«Рағбат» омонати — 2 ой муддатга, йиллик 22 фоиз;*
- *«Кўрсатувчига бериладиган» омонати — 1 ойдан кам бўлмаган муддатга, йиллик 20 фоиз.*

Маблағлар банкнинг барча бўлимларидан чекловсиз қабул қилинмоқда. Банк омонатингизни биринчи талабингизга кўра қайтариб беришни таъминлайди.
Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Шунингдек, банкнинг барча бўлимларида мавжуд бўлган «Anelik» ва «InterExpress» халқаро пул ўтказиш тизимлари орқали чет элдан пул олишингиз ёки юборишингиз мумкин.

«САВДОГАРБАНК» — ДАРОМАДИНГИЗНИ КЎПАЙТИРИШГА ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ!

Мурожаат учун телефонлар: 361-30-29, 54-18-65.

HYUNDAI

DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY

DONGNAMUZ MOTORS

Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25
132-10-63
242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

МАСЪУЛИЯТДАН СОҚИТ ҚИЛАДИМИ?

қачон, қайси йиғилишда муҳокама қилингани ҳақида лом-мим дейилмаганди. Бор-йўғи 1 апрелда заводнинг қолдиқ асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш бўйича бош муҳандис Д.Шодиев, бухгалтер Г.Александрова ва Ш.Омонбоевдан иборат таркибда комиссия тузилгани-ю, биноларни унга 2 миллион сўмга сотиш тўғрисида қарор қабул қилингани айтилганди, ўрганаётиб, яна бир ғалати далилга кўзимиз тушди. Вилоят прокурори ўринбосари А.Шамсиқулов бултур 27 майда имзолаган мактубда фуқаро С.Бойсановнинг сут заводи мулкдори Ш.Омонбоев устидан шикояти текшириш учун Пайариқ тумани прокурорига жўнатилгани маълум қилинганди. Табиийки, биз "Низоли иншоотга учинчи харидор ҳам бўлган экан-да!" деган хаМаматовнинг маслаҳатига биноан, унинг қийматини корхона бухгалтериясига тўлиқ тўладим. Лекин ножоиз талабига кўнмаганим боис директор омборхонани менинг номимга хусусийлаштиришни пайсалга сола бошлади. Дўппи тор келганда эса, лафзидан қайтиб, гапидан тонди...

Дарвоқе, бурноғи йил кузда Сайдулло ота олдисотди шартномасини майди. "Борди-ю, директорнинг сўзлари рост бўлса, нега қарияни чалғитди? 2003 йил 3 мартда унга йўллаган жавобида нега топширилган маблағ ҳали иншоотнинг баланс қийматига етмаганини, у тўлиқ қоплангач, бино улушга қараб, расмийлаштирилишини хабар қилди? Нима учун бухгалтерияга Сайдулло отадан пул қабул қилишни тақиқлаб, тўланган сармояни иссиғилади: замона зайли билан мулкдорга айланган Шавкат Омонбоев нима учун қарийб беш йилдан буён корхонани ишлатиш чорасини кўрмади? Мулк ўзимники бўлди деб, сутни қайта ишлаш жиҳозларини пуллаб юборди. Ахир, бир пайтлар бу жамоада қирққа яқин киши меҳнат қиларди. Демак, шунча оиланинг ризқ-рўзи завод тақдирига чамбарчас боғлиқ эди. Шунингдек, маҳаллий аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликларидан чиққан сутни шартнома асосида корхонага топшириб, даромад топарди. У тўхтаб қолгач, ўз маҳсулотларини кунда-кунаро 30-40 чақирим наридаги Самарқанд шаҳрига элтиб сотишдан ўзга иложлари қолмади.

Бинобарин, завод фаолияти тикланса, ўнлаб одамлар иш билан таъминланган, узоқ масофага қатнаб, ортиқча вақт ва маблағ йўқотишдан халос бўлган бўларди. "Улгуржимевасабзавот" омборхонаси ҳақида ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтиш мумкин. У жорий йил бошида кимошди савдосида бошқа одамга сотилишидан олдин туман ҳокимлиги вакиллари иштирокида кўздан кечирилади. Шунда деворлари қулаб-нураб, абгор ҳолга келиб қолгани, шифер ва ёғочларининг бир қисми кўчириб олингани, уч қатор тери илинадиган синчлари, қоровулхонасининг дераза-ойналари олиб кетилгани аниқланади.

Ажаб, корхона-ю иншоотларни хусусийлаштиришдан мақсад нима ўзи? Уларни қайта тиклаб, эл-юрт равнақи йўлида фойдаланишми ёки қолган-қутганини ҳам талон-торож қилишми? Бу кетишда биз олдимиздан оққан сувнинг қадрига етишни қачон ўрганамиз?..

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
Абдурасул САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбирлари.

холос.

Энди, холисона айтингчи, бу сотилажак иншоотни Шавкат Омонбоевга хусусийлаштириб бериш масаласи умумий йиғилишда ҳам, бошқарма аъзолари мажлисида ҳам эмас, анча олдинроқ тор доирада ҳал этилганидан, судьялар андак шошилганликларидан далолат умумайдими? Суюн Исанқуловнинг суддан етти ҳафта бурун — 2005 йил 29 апрелда вилоят ҳокимига ёзган аризаси Давлат мулки қўмитасининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига, у ердан вилоят прокуратурасига, вилоят прокуратурасидан Пайариққа юборилгани, туман прокурори Ҳ.Субҳонқулов 5 июлда қўл қўйган хат аранг 8 ой деганда, янаям аниқроғи, 2006 йил 7 мартда Давлат мулки бошқармасига етиб келгани ёки шу санада рўйхатга олингани-чи? Айрим мутасаддиларнинг фуқаролар мурожаатларига лоқайдлигини англатмайдими?

Бунисини билмадик, аммо низога боғлиқ ҳужжатларни ёлга бордик. Кейин аниқлашимизча, у уруш ва меҳнат фахрийси, пиру бадавлат оила бошлиғи Сайдулло Бойсанов бўлиб чиқди. Гарчи сут заводига заррача дахли бўлмаса-да, 84 ёшли бу отахоннинг дарди ҳам Суюн Исанқуловники билан бир хил экан.

— Менинг ярим умрим Челак "Улгуржимевасабзавот" тайёрлаш ва сотиш корхонасида ўтди, — дейди Сайдулло ота. — Нафақага чиққач, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун шахсий жамғармамдан маълум миқдорда пул ўтказдим. 2001 йил ёзида эса корхонанинг жун-тери қабул қиладиган эски омборхонасини сотиб олишга чоғландим. Туман "Матлуботсавдо" жамияти акциядорлари айни масалани 2001-2003 йиллар мобайнида икки бор умумий йиғилишда кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилишди. Кадастр ҳужжатлари ҳозирланиб, иморат 507700 сўмга баҳоланди. Сўнгра мен, "Улгуржимевасабзавот" раҳбари Акрам ҳақиқий деб топишни, омборхонага эгалик ҳуқуқини тиклашни ва уни ўзига олиб беришни сўраб, судга даъво-ариза киритади. Судда Акрам Маматов ҳеч кимга элбурутдан пул тўлашни айтмаганини, аксинча, бу иш барча ҳужжатлар жамлангач, вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг розилиги асосида амалга оширилишини тушунтирганини, шунга қарамай, даъвогар ўз билгича ғазнага пул топширганини билдиради. "Матлуботсавдо"нинг ишончли вакиллари ҳам директорнинг гапини маъқуллашади. Судья О.Назаров уларнинг кўрсатмаларини ишончга сазовор ҳисоблаб, Сайдулло отанинг ҳаракатларини ўзбошимчаликка йўяди ва талабини қаноатлантиришни рад этади.

Шундай қилиб, низо даъвогар зарарига якун топади. Аммо бирор киши Сайдулло отанинг пуллари айнан "Омборхонани сотиб олиш учун" деган ёзув остида корхона ҳисоб рақамига кирим қилинганига эътибор берда эгасига қайтариш чорасини кўрмади?" деган саволларни ўртага ташламайди.

Ва ниҳоят, сўнгги мулоҳаза. Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида хусусийлаштириш муаммолари тўғрисида гапира туриб, ҳар бир корхона ва объектни биржа ҳамда биржадан ташқари савдода сотиш учун тайёрлаш механизмини қайта кўриб чиқиш лозимлигини алоҳида эслатди. "Бу борада янги, самарали тизимни жорий этиш, хусусийлаштиришдан кейинги мониторингни амалга оширишда тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш, янги мулкдорларнинг ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятларини бажариш учун уларнинг иқтисодий масъулиятини ошириш зарур", деди. Бу гаплар замирида кўчмас мулкка эга чиққан одам унинг умрини бекор ўтказмаслиги керак деган маъно ётибди.

Модомики, шундай экан, ўз-ўзидан ҳақли савол туғи-

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad — Сделаем жизнь спокойнее!

RUBEZH ADI International

Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

НАДЁЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ

Охранно-пожарная контрольная панель управления (пр-ва России) 8-40 зон – от 108 000 сум.

Датчики дымовые оптико-электронные (пр-ва России) – от 10 000 сум.

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site: www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ УЧУН КАСБ БАЙРАМИ ЗАРУР

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида хайрли ишлар кун сайин кўпаймоқда. Бу борада даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётир.

Жорий йилнинг 1 январидан тиббиёт ходимлари иш ҳақининг оширилиши эса ушбу касб эгалари меҳнатининг самарадорлигини кучайтириш йўлидаги муҳим одим бўлди. Мамлакатимиз Президенти томонидан кўрилаётган ушбу чора-тадбирларни Андижон вилояти тиббиёт ходимлари ҳам қўллаб-қувватлайди.

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бизга алоҳида эътибор қаратилаётганидан мамнунмиз, — дейди Қўрғонтепа тумани марказий шифохонасининг акушер-гинекологи, 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Мамлакатхон Мақсудова. — Миллатни соғломлаштиришга йўналтирилган ушбу эзгу мақсадлар пировард натижада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасига ижобий таъсир кўрсатишини яхши тушунамиз. Шу муносабат билан битта таклиф киритишни хоҳлардим. Жамиятимизда тиббиёт ходимларининг обрўси баландлигига қарамай, ҳанузгача уларнинг касб байрами куни белгиланмаган. Менимча, бу байрамни ноябрь ойида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Негаки, 1998 йилнинг 10 ноябрида Президент Ислом Каримов мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берган "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги фармонни имзолаган эди.

— Ҳамкасбларимиз оммавий ахборот воситаларида бу борада ўз фикрларини билдирган, — дейди вилоят юрак-қон томир касалликлари бош шифокори, профессор Абдуғани Йўлдошев. — Ҳақиқатдан ҳам, тиббиёт ходимларининг касб байрамини таъсис этиш вақти келди. Ўйлашимча, бу тўғри қарор бўлади.

С.ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕК КУРАШИ – «ЭКСПО СПОРТ» ДАСТУРИДА

Курашимиз бугун миллатимиз ва ватанимизни, азалий анъаналаримиз ва тилимизни дунёга кенг танитаётгани сир эмас.

Аввал хабар берганимиздек, Уругвайнинг йирик шаҳарларидан бири — Мерседесда «Экспо спорт» фестивали бўлиб ўтди. Ушбу фестиваль дастуридан Олимпиада спорт турлари билан бир қаторда ўзбек кураши ҳам жой олди. Унда Уругвай, Парагвай, Аргентина, Боливия ва Бразилия мамлакатлари полвонлари ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

КХА матбуот маркази хабарида айтилишича, «Экспо спорт»да кураш беллашувлари очиқ стадионда ўтказилди ва минглаб томошабинлар томонидан энг жозибали мусобақа, дея эътироф этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу кураш мусобақаси чет мамлакатда илк бор стадионда ўтгани билан ҳам аҳамиятлидир. Фестивалда ғолибликка эришган полвонларга Уругвай спорт вазирлигининг диплом ва совғалари топширилди.

Уругвай кураш федерацияси президенти Хисус Гонсалиснинг билдиришича, бундан буён кураш мазкур давлатда ўтадиган оммавий спорт тадбирлари дастуридан муқим ўрин олади. Уругвай кураш федерацияси бу борада мамлакат спорт вазирлиги ва Олимпия қўмитаси билан кенг қамровли ишларни олиб бормоқда.

Спорт ихлосмандлари кутган қўлланма

Кеча «Олимпия шон-шуҳрати» музейида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси меъёрий ҳужжатлари тўпламининг биринчи сони — «Жисмоний тарбия — соғломлаштириш ва спорт иншоотлари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.



Дарҳақиқат, кейинги пайтда жисмоний тарбия ва спортни жаҳон андозаларига мос равишда ривожлантиришни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурати пайдо бўлганди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Сертификациялаш ва компьютерлаштириш маркази чоп этган ушбу тўпламда мамлакатимиз амалиётида илк бор жисмоний тарбия — соғломлаштириш ва спорт иншоотларига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар киритилган.

Тўпламдан, шунингдек, спорт иншоотларидан фойдаланиш, уларни лойиҳалаш, қуриш ва сақлаш, спорт иншоотлари эгалари ва уларда шуғулланувчилар учун мавжуд имтиёзларга оид амалдаги қонунчилик ва меъёрий-ҳужжатлар ҳам жой олган.

Хусусан, спорт иншоотларини қуришда ва лойиҳалашда ягона термин ва маълумотлардан фойдаланиш, типли лойиҳалаш сифатини ошириш, спорт иншооти тоифаси ва турини белгилаш, ривожлантирилаётган спорт турига мувофиқ зарур спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш бўйича аниқ кўрсатмалар берилган.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар китобнинг аҳамияти, ютуқ ва камчиликларига алоҳида тўхталдилар. Тез кунларда тўпламнинг иккинчи бўлимини ҳам нашрдан чиқариш режалаштирилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳалла тўй қилди

Кармана туманидаги Хўжа Хисрав маҳалласи аҳли яқин орада бундай тантанани кўрмаган эди. Баҳорнинг хайру саховатга тўла кунлари, Наврўзнинг яхшилик ва эзгуликларга сероб даврларида маҳалладаги кам таъминланган 6 та оиланинг 6 нафар фарзандига тўй бўлди. Маҳалла фаоллари тўйболаларнинг тадбирини ўтказишда ташаббускор ва ташкилотчилик қилишди.

Бу хушхабарни эшитган тадбиркору ишбилармон борки, четда турмади. «Навоий-шамс» хусусий фирмаси тўй болаларга тўнчалар совға қилди, тадбиркор Музаффар Назаров ошхона хизматларини ўз зиммасига олди. Хуллас, тикувчилар, ошпазлар, нонвойлар, санъаткорлар ҳам хизматларини аяшмади.

Ҳақиқатда, тўймисан тўй бўлди. Маҳалла оқсоқоли Раҳим Жумаевнинг тўй бошидаги бироз ташвишланганидан асар ҳам қолмади. Зеро, бу меҳр-муруввату ўзаро аҳил-иноқликнинг ифодаси эди.

Салима УМАРОВА,
Навоий вилояти.

Санъат

ЖОЗИБАДОР ҚЎШИҚЛАР ҚАНОТИДА

Санъат оламида турфа санъаткорлар бисёр. Улардан бири "Лазги" ансамбли хонандаси Гулиммат Собировдир. У шинавандаларга ўзининг ширали овози, жозибадор қўшиқлари билан яхши таниш.

Санъатга шайдолик Гулимматга тоғаси Болтабой Сафарбоевдан ўтган десак хато қилмаган бўламиз. У тоғасининг тор чалиб, қўшиқ куйлашига ҳавас билан боқар ва уйда ҳеч ким йўқлигида торни қўлига олиб чалишга, нималарнидир хиргойи қилишга шошиларди. Буни сезган тоға тор жиянига катталик қилишини ҳисобга олиб, унга рубоб совға қилади. Ўша кундан бошлаб унинг ҳаётида ажойиб кунлар бошланади. Далада мол-қўй боқиб юрганида ҳам, дарсдан бўш пайтида ҳам рубоб билан "тиллашар", Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Олмахон Ҳайитова, Ортиқ Отажонов каби устоз санъаткорлар қўшиқларини қурби етганча айтиб юрарди. Айниқса, ҳиндча куй-қўшиқларга айрича меҳр қўйганди. Шу туфайли ўша пайтларда экранга чиққан "Бобби", "Тош ва гул", "Сангам" кинофильмларидаги ашулаларни, билса-билмаса, сўзларини тушунса-тушунмаса ҳам берилиб куйларди.

Хуллас, у ўрта мактабни тугатгач, Гурлан туманидан тўғри Тошкентга қараб йўл олди. Абдулла Қодирий номидаги маданият институтида таҳсил кўрди. Билмаганларини ўрганди, билимларини мустаҳкамлади.

Гулимматнинг қўшиқларини эшитган Ортиқ ака уни чиройли ижоди билан қутлар экан, "Лазги" ансамблига ишга таклиф этади. Ўшанга ҳам йигирма йилдан ошибди. У йигирма икки кишилик жамоанинг фаол аъзосига айланиб, Германия, Япония, Саудия Арабистони ва Тунис каби давлатларнинг нуфузли концерт залларида ўзбек миллий санъатини намойиш этди. 2004 йили "Хоним" номли аудио альбоми чиқди, ҳозирда навбатдаги альбомлари устида ишламоқда. 2005 йилнинг 19-20 июнида Халқлар дўстлиги саройида берган концерти санъаткор учун ўзига хос ҳисобот вазифасини ўтади.

Асосан мақом йўналишида ижод қилаётган хонанда эстрада санъатига ҳам жуда қизиқади. Шу кунларда у Хоразм миллий қўшиқларини эстрада йўналишда ҳам ижро этиш йўллари борасида изланишлар олиб бораяпти.

Фарзандлари ҳам унинг изидан бормоқда. Катта ўғли Фарруҳ Ўзбекистон давлат консерваториясининг бастакорлик факультетида, ўртанчаси Ботир Ҳамза номидаги мусиқа коллежида, учинчи ўғли Беҳзод эса Глиэр номидаги республика мусиқа мактаб-интернатида таҳсил олишмоқда. Уч ўғилнинг мақсади, орзуси битта: оталари каби санъаткор бўлиб, элга хизмат қилиш.

Ҳар қандай касб ортида меҳнат ётади. Санъаткор учун бу икки карра муҳим. Чунки ўзидаги истеъдодни юзага чиқариш учун тинмай ишлашга ҳамма ҳам чидайвермайди. Гулимматнинг айтишича санъатни чидаганга чиқарган.

— Ўзингиз-чи? — дея савол бераман ҳазил аралаш.

— Чидайдиганлар тоифасиданман, шекилли, — жилмаяди у. — Битта қўшиқ яратиш учун икки-уч ойлаб ишлаган пайтларим ҳам бўлди. Эфирга чиқолмай қийналганларим ундан-да кўп. Қолаверса рўзғорнинг, болаларнинг ҳам ўзига яраша ташвишлари бор. Инсон, аввало, борига шукр қилса, меҳнатдан қочмаса ва сабр-қаноатга эш бўлса орзуси ушалиб, ҳаёти мазмундор бўлиб бораверараркан.

Зеро "Бешикдан то қабргача илм изла" ҳадиси ҳам бевосита меҳнат билан боғлиқ. Гулиммат Собировнинг эл назарига тушган дилтортар қўшиқлари ҳам тинимсиз меҳнатнинг, изланишнинг меваларидир.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

Пуркагичлар керакми? Марҳамат!

«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ

«AGRIXIM»

ЎЗБЕКИСТОН—ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА

ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагич-чангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Ўзстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилаяпти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовли-жойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.

Манзил: Тошкент ш., С.Машҳадий к., 210-уй.
Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21,30.
Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46.
E-mail: agrihim@mail.st.uz

ШПАТЛЕВКА
OLIY SIFATLI
Юқори навли
Қалбакилардан сақланинг
Улгуржи харидорларга ЧЕГИРМАЛАР!
AzKO
(8-371) 367-93-37
(8-371) 367-67-38
Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» к., 1б.
Мўлжал «Ўзбекфильм» к.с.
Tsh 64-0515991-01-2002
10

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР

AVTODOM PLUS

"ВОЛГА", ГАЗ 31105
ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли
Газ 32214, "Тез ёрдам" автомобили
ГАЗ 3307-12, "Сут" автоцистернаси
ГАЗ 2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон
ГАЗ 2752, Инкассация автомобили
ГАЗ-33023 "Фермер", юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун
ШИНА
таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси жамоаси идоранинг собиқ ходими
Людмила Тарасовна ВЫСОЦКАЯнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Гидрометеорологик жараёнларга таъсир этиш ҳарбийлашган бошқармаси жамоаси Қашқадарё ҳарбийлашган хизматининг ходими
Жовли НАЗАРОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 12345